



ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМИ РЕСУРСИ АСОСИДА БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИ

Мадина Имомова

Жиззах вилояти Зафаробод тумани

9-мактаб Биология фани ўқитувчиси.

E-mail: madinaimomova1985@gmail.com

тел: +998935091785

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7181247>

Аннотация

Бугунги кун таълим жараёнлари ўқитувчилардан илмий дунёқарашини ривожлантириш, педагогик билимларини аниқлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш, ахборот ресурслар мажмуасидан кенг фойдалан ва замонавий усуллар асосида изланишлар, илмий асосланган тизимини яратиш, мактаб ўқувчиларда электрон ахборот ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Калит сўзлар: Таълим тизими, интернет, сайт, портал, педагогик технологиялар, дидактик материаллар, вертуал лаборатория, инновацион технологиялар, электрон ахборот ресурслар асосида ўқитиш.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизни янада тараққий этиши, жаҳоннинг етакчи ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олиши кўп жиҳатдан ўсиб келаётган ёш-авлодлар қўлидадир. Шундай экан, ҳар бир педагог бугунги кун ёшларига таълим ва тарбия беришдек масъулиятли вазифасини сидқидилдан бажариши.

Таълим методлари олдида асосан қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Ўқув материални ўрганиш фақатгина назарий билимларни ўзлаштиришга эмас, балки таълимнинг амалий имкониятларини ишга солишга ҳам ёрдам бериши керак.
2. Таълим методлари илмий далилар билан аниқ асосланган бўлиши лозим. Методнинг илмийлиги ўқувчиларнинг аниқ фикр юритишини, географик материалларни ўзлаштириш жараёнидаги аниқ таълимий мақсадни, воситаларни, усулларни асослайди.
3. Биология фанига доир ўқув материални ўрганиш жараёнида қўлланиладиган ҳар қандай электрон ахборот ресурсларнинг тизимлиги уларнинг самарадорлик даражасини белгилайди.
4. Таълим методлари олдида қўйиладиган яна бир талаб уларнинг тушунарли бўлишидир. Ўқитиш йўли ўқувчиларга тушунарли ва мақбул бўлиши, Биология фанига доир ўқув материални ўрганишда электрон





ахборот ресурслари билимларини ўзлаштиришига мувофиқ келиши лозим.

5. Ўқувчиларни билиш жараёни орқали таълимда кўрсатмали технологиялардан кўпроқ фойдаланиш зарурлиги таълим методлари олдига қўйилган муҳим талабдир. Таълимни онгли ва фаол шаклда олиб бориш билимларни ўзлаштириш замонавий технологияларга ҳам боғлиқдир.

6. Ўқитувчининг илмий-назарий билимларни тушунтириши ўқувчиларинг ўзлаштиришида самарали натижа бериш керак.

Ўқув жараёнига мулжалланган таълим порталлари қуйидаги имкониятларга эга булиш керак:

- фанлар буйича таълим мазмунига эга бўлган ахборот ресурслари;
- турли йўналишлар бўйича ўқув курслар;
- тескари алоқани таъминлаш;
- керакли ахборотларни тез топишга ёрдам бериш;
- таълим тизимига таълим олишнинг янги шаклини жорий қилиш;
- ўқувчиларда маълум малакаларни шакллантириш вақти қисқалиги;
- машғулотларда бажариладиган топшириқлар сонининг ортиши;
- компьютер томонидан фаол бошқаришни талаб қилиниш натижасида ўқувчи таълим субъектига айланиши;

Бугунги кунда жадаллик билан ривожланиб бораётган электрон ахборот ресурсларнинг таркибий компонентлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- электрон дарслик;
- электрон ўқув методик-мажмуалар;
- электрон ўқув адабиётлар;
- электрон энциклопедиялар;
- ўқув-тақдимот дастурлари;
- ўқув фильмлари;
- вертуал лаборатория;
- мультимедиали ресурс;
- ўқув-дастур электрон материаллар.

Бугунги кунда Биология фанига доир тайёрланган электрон дарсликлар сони мавжуд эҳтиёжларни қондириш даражасида эмас, шунингдек, электрон дарсликлардан фойдаланишда, алоҳида мезонларга асосланган методик адабиётлар мукамал ҳамда тўлиқ ишлаб чиқиш эҳтиёжи мавжуд. Электрон ахборот ресурслар асосида ўқитиш ўқувчиларда Биология фанини пухта ўзлаштиришларига, баркамол инсон сифатида





шаклланишида, мустақил фикрлай оладиган хулқ-атвори билан бошқаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли, ижтимоий фаол инсон бўлиб етишишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони.
2. Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари: монография. - Т.: «Фан», 2007.
3. Турсунов С.Қ. Таълимда электрон ахборот ресурсларини яратиш ва уларни жорий қилишнинг методик асослари (педагогика олий таълим муассасалари -Web-дизайн фани мисолида): пед. фан. док... дисс. – Тошкент, 2011.
4. www.biolog.uz.
5. www.ziyonet.uz.

